

# ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА ЎСАДИГАН ЭФИР МОЙЛИ ЎСИМЛИКЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Джумаев Х.К., Термиз давлат педагогика институти, б.ф.н., доцент

**Аннотация:** *Juniperus seravschanika* Kom., *Atamantha macrophylla* (Regel et Schmalh.) Pimen.; *Angelica ternate* Regel et Schmalh.; *Bunium persicum* (Boiss.) K. Pol.; *Lipskya insignis* (Lipsky) Nevski; *Melissa officinalis* L.; *Mentha asiatica* Boriss.; *Salvia sclarea* L.; *Origanum tyttanthum* Gontsch.; *Ziziphora brevicalyx* Juz.; *Ziziphora tenuior* L.; *Hyssopus zeravschanicus* (Dubj.) Pasij; *Perovskia scrophularifolia* Bng.; *Achillea filipendulina* Lam.; *Achillea arabica* Kotschy.; *Achillea millefolium* L.; *Artemisia dracunculus* L.; *Artemisia beldschuanica* Krasch. et Zopr.; *Hypericum perforatum* L. ва *Hypericum scabrum* L. ўсимликларининг турли органларида ҳосил бўладиган эфир мойлари миқдори ўрганилди.

**Калит сўзлар:** Эфир мойли ўсимликлар, учувчан органик моддалар, доривор ва зиравор ўсимликлар, эфир мойлари миқдори.

**Аннотация:** Изучены содержание эфирных масел в разных органах *Juniperus seravschanika* Kom., *Atamantha macrophylla* (Regel et Schmalh.) Pimen.; *Angelica ternate* Regel et Schmalh.; *Bunium persicum* (Boiss.) K. Pol.; *Lipskya insignis* (Lipsky) Nevski; *Melissa officinalis* L.; *Mentha asiatica* Boriss.; *Salvia sclarea* L.; *Origanum tyttanthum* Gontsch.; *Ziziphora brevicalyx* Juz.; *Ziziphora tenuior* L.; *Hyssopus zeravschanicus* (Dubj.) Pasij; *Perovskia scrophularifolia* Bng.; *Achillea filipendulina* Lam.; *Achillea arabica* Kotschy.; *Achillea millefolium* L.; *Artemisia dracunculus* L.; *Artemisia beldschuanica* Krasch. et Zopr.; *Hypericum perforatum* L. и *Hypericum scabrum* L.

**Ключевые слова:** Эфирномасличные растения, летучие органические вещества, лекарственные и пряноароматические растения, содержание эфирных масел.

**Abstract:** The content of essential oils in different organs of *Juniperus seravschanika* Kom., *Atamantha macrophylla* (Regel et Schmalh.) Pimen.;

*Angelica ternate* Regel et Schmalh.; *Bunium persicum* (Boiss.) K. Pol.; *Lipskya insignis* (Lipsky) Nevski; *Melissa officinalis* L.; *Mentha asiatica* Boriss.; *Salvia sclarea* L.; *Origanum tyttanthum* Gontsch.; *Ziziphora brevicalyx* Juz.; *Ziziphora tenuior* L.; *Hyssopus zeravschanicus* (Dubj.) Pasij; *Perovskia scrophularifolia* Bng.; *Achillea filipendulina* Lam.; *Achillea arabica* Kotschy.; *Achillea millefolium* L.; *Artemisia dracunculus* L.; *Artemisia beltschuanica* Krasch. et Zopr.; *Hypericum perforatum* L. and *Hypericum scabrum* L.

**Key words:** Essential oil plants, volatile organic substances, medicinal and aromatic plants, content of essential oils.

Эфир мойлари ўсимликларнинг турли органларида ҳосил бўладиган мураккаб таркибли учувчан органик моддалардир. Ўсимликлардан ажратиб олинган эфир мойлари парфюмерия-косметика, озиқ-овқат ва фармацевтика sanoatlарида кенг қўламда қўлланилиб келинади [1-2,10]. Жаҳон миқёсида аксарият эфир мойлари тропик ва субтропик ўсимликлардан, лекин айрим – кориандр, анис, ялпиз ва бошқа шу каби ўсимликлардан мўътадил иқлимли минтақаларда ҳам ажратиб олинади [3-11].

Эфир мойли ўсимликлар маҳаллий аҳоли томонидан ҳам азалдан доривор ва зироворлар сифатида қўлланилиб келинган. Бу бебаҳо ҳисобланган ўсимликлардан эфир мойлари хом-ашёсини ажратиб олиш учун унинг табиий захиралари етарли эмас. Шу сабабли уларнинг табиий захираларини сақлаб қолиш мақсадида бу ўсимликларни тоғли ҳудудларда уруғидан экиб ўстириш, етарли захирага эга бўлгандан кейингина улардан эфир мойларини ажратиб олиш мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлади.

Олинган махсулотларни озиқ-овқат sanoатида турли хил конфетлар, кондитер махсулотлари ва алкаголсиз ичимликлар тайёрлашда, парфюмерия-косметика sanoатида юқори сифатли атир-упалар тайёрлашда, фармацевтика sanoатида турли касалликларни (қон айланиш, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, айириш, таянч-ҳаракат, асаб тизими касалликларини ва бошқаларни) даволашда ва турли доривор препаратлар тайёрлашда ҳамда аччиқ

дориларнинг таъмини яхшилашда (хушбўй таъм бериш мақсадида) фойдаланиш имконияти юзага келади [9].

Сўнги вақтларда ўсимликлардан ажратиб олинган эфир мойлари тиббиётнинг янги соҳаси – ароматерапияда инсоннинг асаб тизими фаолиятига ва психикасига ижобий таъсир кўрсатиш хусусиятлари аниқланиб, даволаш муассасаларида ҳамда ишлаб-чиқариш корхоналарида улардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган ва кенг қўлланилмоқда [5-6].

Эфир мойли ўсимликлар Болгария, Венгрия, Юнонистон, Испания, Италия, Чехия, Шимолий Америка давлатларида ҳамда Қримда катта майдонларда экиб ўстирилади. Ушбу ўсимликлар эфир мойлари хўжаликнинг турли йўналишларида фойдаланилади. Лекин кўпгина олимлар Марказий Осиёда ўсадиган ўсимликларда бошқа минтақа ўсимликларига нисбатан кўп миқдорда ва таркиби жиҳатидан нозик ва хушбўй ҳидли, сифатли бўлган эфир мойлари тўпланишини аниқлашган ва бу ўсимликлардан селекция ва уруғчилик соҳаларида фойдаланишни таклиф қилишган [7-8]. Эфир мойлари кўпроқ курғоқчил ҳудудларда ўсадиган ўсимликлар органларида кўп миқдорда ҳосил бўлади.

Шу сабабли биз қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

Қизиқиш уйғотган ва энг истиқболли деб топилган эфир мойли ўсимликлар уруғлари уларнинг табиий ҳолда ўсаётган популяцияларидан йиғиб олиниб, тоғли ёки адирли ҳудудларда экилади. Экилган ўсимликлар парвариш қилиниб, ўғитлаш, ишлов бериш, суғориш ишлари олиб борилади. Парваришланган ўсимликлардан биринчи йили қисман ва иккинчи йилдан бошлаб бир неча йиллар давомида асосий хом-ашё олиш мақсадларида тўлиқ фойдаланиш мумкин.

Ушбу ўсимликларнинг хом-ашёларидан эфир мойларини ажратиб олиш мақсадида махсус асбоб ва анжомлар реализация қилинади. Асбоблар катта миқдордаги хом-ашёлардан эфир мойларини ажратиб олишга мўлжалланган ва 80-100 литрлик ҳажмларда бўлади.

Ўсимлик органларидан ажратиб олинган эфир мойлари парфюмерия-косметика ва фармацевтика корхоналари талаблари ва тузилган шартномалар асосида реализация қилинади.

Бундан ташқари эфир мойли ўсимликларнинг уруғлик питомниклари ҳам ташкил қилиниши кўзда тутилган. Ушбу питомникларда нафақат ўсимлик уруғлари йиғилибгина қолмасдан, уруғчилик ва селекция ишларини ҳам олиб бориш имконияти яратилади.

Жанубий Ўзбекистон худудида ўсадиган қуйидаги эфир мойли ўсимликлар турларини экиб ўстириб, уларнинг хом-ашёвий плантацияларини яратиш ва улардан саноат миқёсида (озиқ-овқат, парфюмерия, косметика, фармацевтика саноатларида) фойдаланиш учун тавсия қиламиз:

Жадвал.

Ўсимликларнинг турли органларида ажратиб олинган эфир мойларининг миқдори (фоизлар ҳўл масса ҳисобидан чиқарилган).

№	Ўсимлик тури	Ўсимлик органи	Эфир мойлари, %
1.	<i>Juniperus seravschanika</i> Kom.	Яшил новдалари	0.7- 1.35
2.	<i>Atamantha macrophylla</i> (Regel et Schmalh.) Pimen.;	Ер устки қисми	0.74-1.10
3.	<i>Angelica ternate</i> Regel et Schmalh.;	Ер устки қисми	0.60-0.78
4.	<i>Bunium persicum</i> (Boiss.) K. Pol.;	Уруғи	2.50-2.95
5.	<i>Lipskya insignis</i> (Lipsky) Nevski;	Ер устки қисми	0.08-0.18
6.	<i>Melissa officinalis</i> L.;	Ер устки қисми	0.08-0.14
7.	<i>Mentha asiatica</i> Boriss.;	Ер устки қисми	0.17-0.23
8.	<i>Salvia sclarea</i> L.;	Тўпгули	0.42-0.51
9.	<i>Origanum tyttanthum</i> Gontsch.;	Ер устки қисми	0.24-0.32
10.	<i>Ziziphora brevicalyx</i> Juz.;	Ер устки қисми	0.65-0.74
11.	<i>Ziziphora tenuior</i> L.;	Ер устки қисми	0.24-0.35
12.	<i>Hyssopus zeravschanicus</i> (Dubj.) Pasij;	Ер устки қисми	0.63-0.75
13.	<i>Perovskia scrophularifolia</i> Bng.;	Ер устки қисми	0.51-0.71
14.	<i>Achillea filipendulina</i> Lam.;	Барги Тўпгули	0.33-0.40 0.40-0.48
15.	<i>Achillea arabica</i> Kotschy.;	Ер устки қисми Тўпгули	0.27-0.30 0.52-0.60
16.	<i>Achillea millefolium</i> L.;	Ер устки қисми	0.22-0.30
17.	<i>Artemisia dracunculus</i> L.;	Ер устки қисми	0.36-0.45
18.	<i>Artemisia beldschuanica</i> Krasch. et Zopr.;	Ер устки қисми	0.31-0.38
19.	<i>Hypericum perforatum</i> L.	Ер устки қисми	0.09-0.11

20.	Hypericum scabrum L.;	Ер устки қисми	0.16-0.25
-----	-----------------------	----------------	-----------

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Сурхондарё вилояти ҳудудида ўсадиган ва номлари юқорида келтирилган ўсимлик турларининг эфир мойлари ўта хушбўй бўлиб, уларни ҳам парфюмерия-косметика (атир-упа тайёрлашда), озиқ-овқат (зиравор яъни маҳсулотларга таъм бериш мақсадида) ҳамда фармацевтика саноатларида (доривор препаратлар тайёрлашда ҳамда уларнинг таъмини яхшилаш мақсадида) кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Технология лекарств промышленного производства: учеб. для студ. высш. учеб. завед.: перевод с укр.: в 2 ч. Ч. 1 / В.И. Чуешов [и др.]. Винница: Нова Книга, 2014. 696 с.

2. Пономарева Е.И., Молохова Е.И., Холов А.К. Применение эфирных масел в фармации // Современные проблемы науки и образования. 2015. № 4. С. 567.

3. Хейфиц Л.А., Дашунин В.М. Душистые вещества и другие продукты для парфюмерии. М.: Химия, 1994. 226 с.

4. Джумаев К. Дикорастущие эфирномасличные растения Сурхан-Шерабадской долины. Автореф. дис. ...канд.биол.наук.–Ташкент. 1974. –39 с.

5. Паштецкий В.С., Невкрытая Н.В. Использование эфирных масел в медицине, ароматерапии, ветеринарии и растениеводстве. Таврический вестник аграрной науки. № 1(13). 2018. С. 16-38.

6. Михельсон Л.А. Биохимия мускатного шалфея // Биохимия культурных растений. Т.6. Эфирно-масличные растения. - М.-Л.: Сельхозгиз, 1938. С. 108-118.

7. Ходжиматов К.Х. Формирование надземной массы и содержание эфирных масел у перспективных эфирноносцев в различных экологических условиях и растительных сообществах // Эколого-биологические

особенности важнейших сырьевых растений в культуре. – Ташкент, 1978. - С. 116-127.